



ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

ZIGMUND FREYD
(1856-1939)

Mening dunyom befarqlik
ummonida suzib yuruvchi
kichik og'riq oroli!

2022

MAY
№40



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.l, 2-uy.



+998 97 420 88 81



+998 94 404 00 00



www.taqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
15-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-15**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-15**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 40-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 май 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохода Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги хузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУСИҚА ВА ҲАЁТ

1. Muxamedova Dilorom Turobovna

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA MUSIQIY SAVODXONLIKNI
SHAKLLANTIRISHNING MUAMMO VA YECHIMLARI 7

2. Абдуразакова Умида Бахтиёр қизи

БОЛАЛАР МУСИҚАСИ 9



МУСИҚА ВА ҲАЁТ

BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARIDA MUSIQIY SAVODXONLIKNI SHAKLLANTIRISHNING MUAMMO VA YECHIMLARI

Muxamedova Dilorom Turobovna,
Navoiy shahar 4-AFChO‘IMda musiqa fani o‘qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada boshlang‘ich sinflarda musiqa fanlarini o‘qitishda musiqiy savodxonlikni shakllantirishning muammo va yechimlari haqida ma’lumotlar berilgan.

Kalit so‘zlar: temp, ritm, interval, kompetensiya, interaktiv, rolli o‘yinlar.

Musiqa ta’limi bo‘yicha Davlat ta‘lim standartlarining yangi ta‘lim mazmuni asosida o‘quvchilarda musiqiy bilim va malakalarni shakllantirish bilan birgalikda ularni tarbiyalash ham lozimligi ta’kidlanadi. Shu bois musiqa madaniyati ta’limining yangi mazmuni yosh avlodni milliy musiqiy merosimizga vorislik qila oladigan, umumbashariy musiqa boyligini idrok eta oladigan madaniyatli inson darajasida voyaga yetkazishni nazarda tutadi va har bir pedagog oldiga mana shunday vazifalarni qo‘yadi: «Bugun shunday darslar tashkil etilsinki, pedagog faol va tashabbuskor bo‘lsin, uning shogirdlari esa mustaqil va erkin fikrلay oladigan yoshlar bo‘lib yetishsinlar». [1] Milliy musiqamiz boy merosga ega bo‘lib, asrlar davomida yosh avlodga insonparvarlik, vatanparvarlik, do‘slik, mehnatsevarlik, mehr-oqibat, birodarlik va kamtarlik kabi umuminsoniy fazilatlarni har tomonlama chuqur singdirib kelmoqda. O‘quvchilarga musiqa haqida beriladigan barcha bilim va tushunchalar o‘z xususiyatiga ko‘ra musiqa savodi doirasiga kiradi. Jumladan, musiqa san’atining muhim bir turi sifatida hayotdagi real voqelikni tovushlar vositasida ifoda eta olishi, uning ifoda vositasi (til, nutq), janrlarga oid turlari, tuzilishi, ijro uslublari, ijrochilik turlari, cholg‘u asboblariga tegishli tasnifiy xususiyatlar musiqa savodining asosiy tarkibini tashkil etadi. Musiqa savodxonligida musiqiy tovushlar va ularning cho‘zimidan boshlab, atamalar, sur‘at (temp), usul (ritm), o‘lchov, intervallar, alliteratsiya, dinamik belgilar, oddiy musiqa shakli, janrlari, major hamda minor ladlarigacha bo‘lgan nazariy bilimlar haqida tushuncha beriladi.

Ma’lumki, musiqa savodi ta‘limning mustaqil bir shakli sifatida amalga oshirilmaydi, lekin u boshqa faoliyatlar jarayonida, ayniqsa, yangi musiqa asarlarini badiiy o‘rganish ijro yo‘l va usullarini savodxonlik asosida bajarish tizimida muhim ahamiyatga ega. Chunki yangi musiqa asarini o‘rganish jarayonida o‘quvchi tomonidan egallab olingan har bir yangi bilim, tushuncha, musiqiy atamalarni bilib olish keyingi darslarda o‘tiladigan o‘quv materiallarini o‘zlashtirishga zamin yaratadi. [2]

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga musiqiy ta‘lim berishda musiqa savodxonligining o‘rnini beqiyosdir. Shunday bo‘lishiga qaramay, dars jarayonida musiqa savodini shakllantirilishida ba’zi muammolar mavjud. Bular:

- ayrim boshlang‘ich sinflarda musiqa madaniyati fani darslarini mutaxassis o‘qituvchi o‘tmaganligi;
- musiqa asboblaridan dars jarayonida to‘laqonli foydalanmaslik;
- musiqa savodi jarayonida o‘yin faoliyatidan unumli foydalanmaslik; - zamonaviy, interaktiv va ko‘rgazmali vositalardan samarali foydalanmaslik; - kuylash jarayoniga e’tiborning ko‘proq qaratilgani va h.

Bu, o‘z navbatida, o‘qituvchi oldiga quyidagi ta‘limiy talablarni qo‘yadi:

- O‘quvchilarda musiqani to‘g‘ri idrok etish hamda musiqiy savodxonlik kompetensiylarini to‘g‘ri shakllantirish uchun dars jarayonini aniq loyihalashtirish;
- musiqa savodi jarayonida musiqa ifoda vositalari va ularning assardagi ifodasi, vazifasini aks ettiruvchi rasmlar va ko‘rgazmalardan maqsadli foydalanish; asardan estetik zavqlanish



vositasida badiiy obrazlarni to‘g‘ri tasavvur etishga yetarli bo‘lgan xotirani o‘stirishdagi didaktik o‘yinlarni qo‘llash;

Bunday talablarni amalga oshirish uchun o‘qituvchi oldiga qator vazifalar qo‘yiladi;

- o‘quv materiallarini o‘rgatish jarayonida o‘quvchilarda musiqa san’atiga havas uyg‘otish, musiqani tinglash va kuylash vositasida ularda musiqiy, badiiy ehtiyojni kuchaytirish;

- idrok etilajak asarlar yuzasidan o‘quvchilarda musiqiy badiiy taassurot uyg‘otib borish;

- musiqa tinglash jarayonini har darsda tashkil etib borish;

- musiqiy atamalar mohiyati va ularning xususiyatlarini o‘rgatib borish hamda musiqa amaliyotida qo‘llash;

- kuyning oddiy tuzilishi, uning ifoda vositalarini anglay olishga o‘quvchilarni o‘rgatish;

- kuy notasining ritmik tuzilmalariga qarab chapak chalish va kuylashga o‘rgatish.

Musiqa asarini o‘rganish davomida matndagi notalar ritmini chapakda ifodalash va bolalarbop cholg‘u asboblarida chaldirish, ritmik jo‘r bo‘lish yoki musiqa tavsifiga mos harakatlarni bajartirish musiqiy savodxonlik darajasini o‘stirib boradi. Boshlang ‘ich sinflarda musiqiy savodxonlikni o‘stirishda she’riy va rolli o‘yinlardan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Masalan: Nota nima, bolalar?

O‘rganishni boshlaymiz. Barchani savodxonlik,

Festivalga chorlaymiz.

Bilib qo‘ying, aziz bolalar,

Hayotimiz yo‘ldoshidir kuy,

Yashnar bog‘-u-rog‘lar, dalalar.

Bo‘lsa bayram, shodon bazm-u to‘y.

Musiqasiz yasholmas inson, Kurashlarga topolmas imkon. Barcha kuchni qo‘schiqdan olar, Ohang uni yashashga chorlar.

Yalla, lapar, terma, qarsaklar, Baxtli kishi ularni bilar,

Qani aytинг, qanday chalinar? Buni faqat nota o‘rgatar.

Xulosa qilib aytganda, musiqiy savodxonlikka ega bo‘lgan o‘quvchi eshitgan har bir musiqa asarini yaxshi tushunadi, asarni qiyalmay o‘rganadi, aniq talaffuzda kuylab, undan ma’naviy ozuqa oladi.

Adabiyotlar:

1. Ishmuxamedov R.J., Yuldashev M. Ta’lim va tarbiyada innovation pedagogik texnologiyalar.–T.: «Nihol» nashriyoti, 2013, 2016.–279 b.

2.Urazova M.B., Eshpulatov Sh.N.Bo‘lajak o‘qituvchining loyihalash faoliyati.

Metodik qo‘llanma. – T: TDPU, 2014 yil.

3. <https://infourok.ru> - musiqa darslari



БОЛАЛАР МУСИҚАСИ

Абдуразақова Умида Бахтиёр қизи

ЎзДК “Мусиқа санъати” бўлими 2-курс магистранти

umidabaxtiyogovna94@gmail.com

Аннотация: Болалар мусиқаси - бу болалар тинглаши ёки ижро этиш учун мўлжалланган мусиқадир, унинг энг яхши намуналари аниқлиқ, образлилик, шаклнинг соддалиги ва равшанлиги билан ажралиб туради. Болалар мусиқаси ўзига хос дастурийлиги, амалий элементлари, рақсбоплиги, мусиқа тўқималарининг соддалиги, фольклорга таяниши билан фарқланади. Болалар мусиқий асарларининг асосини кўпинча халқ қўшиқлари, эртаклар, табиат ва ҳайвонот олами тасвирлари ташкил этади.

Калит сўзлар: болалар мусиқаси, қўшиқлар, хорлар, чолғу ва оркестр асарлари, мусиқий саҳна жанрлари, фольклор, композиторлар.

Болалар мусиқаси нафис санъаттурларидан бири бўлиб, у болаларнинг маънавий дунёсини шакллантириш, ижодий фантазиясини, уларнинг руҳий ва жисмоний ҳолати ва турли-туман кайфиятуранг-барангҳис-туйғуларини мусиқий оҳангларвоситасидааксэттиради. Замонавий шароитда бу омилнинг ижтимоий аҳамияти ортиб бормоқда. Бу эса баркамол ва ижодий фикрлайдиган шахсни тарбиялашни долзарблаштиради. Жаҳон маънавий маданиятининг ажралмас қисми бўлган болалар мусиқасини глобал бадиий ҳодиса сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин. Унинг ўзига хослиги болалар идрокининг психологик хусусиятлари, уларнинг ёшидаги фарқларда мусиқий қизиқишлигининг ўзгаришини белгилайди. Шу билан бирга болалар учун ёзилган асарлардаги мавзуларнинг тақрорланмаслиги, ушбу мусиқанинг ўзига хослигини акс эттиради. Болалар мусиқаси ижодиётнинг ҳар бир соҳаси, хусусан халқ ижодида ҳам, композиторлик соҳасида ҳам, шунингдек эстрада санъатида ҳам ўзининг салмоқли аҳамиятига эгадир. Аммо, ҳар бир ижод йўналишида ушбу мавзуга ўзгача тарзда ёндошилади. Болалар мусиқаси - бу болалар тинглаши ёки ижро этиш учун мўлжалланган мусиқадир, унинг энг яхши намуналари аниқлиқ, образлилик, шаклнинг соддалиги ва равшанлиги билан ажралиб туради. Болалар мусиқаси ўзига хос дастурийлиги, амалий элементлари, рақсбоплиги, мусиқа тўқималарининг соддалиги, фольклорга таяниши билан фарқланади. Болалар мусиқий асарларининг асосини кўпинча халқ қўшиқлари, эртаклар, табиат ва ҳайвонот олами тасвирлари ташкил этади. Болалар мусиқасининг ҳар хил турлари - қўшиқлар, хорлар, чолғу ва оркестр асарлари, мусиқий саҳна жанрлари мавжуд. “Болалар ижроси учун мўлжалланган асарлар уларнинг ижро қобилиятларига мос келади. Вокал асарлари овоз диапазонини, товушни шакллантириш ва диксиянинг хусусиятларини, хор машғулотларини, чолғу асарларида эса техник қийинчилик даражасини ҳисобга олади. Болалар адабиёти сингари болалар мусиқаси ҳам эзгулик ва адолат тўғрисида гапириш, дунёқарашини кенгайтириш, турли ҳис-туйғуларни чукур ифода этишга ўргатишга мўлжалланган. Болалар учун мусиқа катталар учун яратилган асарлардан фарқли равишда тузилиши кераклиги композиторлар томонидан XIX асрнинг ўрталарида сезилган. Бунгача фақат маълум бир педагогик репертуар мавжуд эди.

Манбаларга кўра, 17-18-аср классик композиторлари болалар учун асосан педагогик мусиқий адабиётларни яратишга эътибор беришган: И.С.Бах, В.А.Мотцарт, Л.В.Бетховен, Й.Гайдн ва М.Климентининг болалар ижроси учун мўлжалланган асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Чукур илдизларга эга бўлган болалар мавзуси 19-20-аср ва 21-аср бошларида санъатда мустақил ва кўп қиррали ёналиш мақомини олди ва болалар мусиқасининг анъаналари яратилиб, образлар, мавзулар, болалар мусиқаси жанрлари, мусиқий тил ва бошқалар шаклланди. 19-асрда кўплаб композиторлар болалар учун пьесалар, қўшиқлар яратишга ва турли даражадаги таълим учун тўпламлар тузишга мурожаат қилишди. Фарбий Европада болалар мусиқаси мавқейининг тубдан ўзгариши Р.Шуман билан боғлиқдир. Унинг ғоялари ва тажрибасининг давомини И.Брамс ва Ж.Бизенинг фортепиано асарларида кўриш мумкин.

19-аср ва 20-асрнинг ўрталарига қадар бўлган давр болалар мусиқасини очиб бериш нуқтайи назаридан рус маданияти тарихидаги энг ёрқин чўққилардан бирига айланди. Рус композиторлари П.И.Чайковский ва М.П.Мусоргский ва С.С.Прокофьев болалар мусиқасида



миллий мактаб тамойиллариға асосланиб ва хорижий мусиқий маданиятдаги болалар мавзуларининг анъаналариға таяниб, аста-секин ўзларининг ёналишларини ривожлантириди. Улар яратган асарларнинг ўзига ҳос хусусиятлари бу рус оҳанглариディр. Уларнинг болалар учун ёзган асарлари ажойиб бадиийликка эга бўлиб, классик мусиқа техникарининг янгилиги, мусиқий тил ва жанрларнинг инновацион талқини билан бирлаштирган.

Ўзбекистонда 20-асрнинг 30-40-йиллари болалар мусиқасини яратилишига ва равнак топишига тайёргарлик бўлган бўлса, ушбу санъатнинг энг ривожланган, гуркираган даври 50-60-йиллар хисобланади. Шу даврда ўзбек композиторларининг болалар учун ёзган асарлари мавзу, жанр устуворлиги ва болаларнинг ёш хусусиятлари жиҳатидан белгиланди. 30-40-йилларда болалар мусиқасида терцияли икки ва уч овозли асарлар ёзилган бўлса, 50-60-йилларга келиб фольклорга қайтиш, болалар қўшиқларини кўп овозда куйлаш, халқ полифония элементлари ва гармоник тузилмалардан фойдаланиш бошланди. Ёш авлодни ажойиб халқ мусиқалари билан таништириб, фольклорга қизиқиш уйғотила бошланди. Ўзбек ҳалқ мусиқалари қайтадан ишланиб, қўшиқ ва пъесалар яратилди. 60-йиллардан бошлаб болалар учун ёзилган тўпламлар сони сезиларли даражада ошди. Ўқув кўлланмалар, хрестоматиялар, мактаблар учун дарсликлар пайдо бўлди.

1970-80-йиллар болалар мусиқаси ривожланишининг кейинги даври хисобланиб, унда хор қўшиқлар, вокал-симфоник, вокал-туркум каби йирик жанрлар ривожланди. Биринчи контата ва сюиталар, хор акапелла асарлари, солист ва оркестр учун янги асарлар яратила бошланди. Бу даврда ушбу жанрларда полифоник тафаккур устиворлик қиласди. 20-асрнинг 90-йиллари ва 21-аср бошларида композиторлар эстрада услубига мурожаат қилиб, болаларга мос мусиқий асарлар яратади. Ушбу асарларда ватанпарварлик мавзусини янгича талқинлар, яъни миллий оҳанглар орқали ифодалашмоқда. Ўзбекистонда болалар мусиқа санъатининг ривожига маҳсус ташкил этилган байрамлар, фестиваллар, танловлар, концертлар катта ёрдам берди. “Қўшиқ байрами”, “Болалар мусиқа хафталиги”, “Санъат байрами” каби байрам-танловлар шулар жумласидандир.

Кўриб чиқилган давр мусиқасида болалар мусиқасига мурожаат қилиш ушбу мавзунинг нақадар муҳим ва мураккаб эканлигини, унинг намоён бўлиши мазмун ва бадиий жиҳатдан қанчалик хилма-хиллигини кўрсатди. Бу композиторларнинг ижоди тўғрисидаги тушунчамизни чуқурлаштиришга, уларнинг дунёқараши, эстетикаси ва услубига чуқуроқ кириб боришга имкон беради. Хулоса ўрнида шуни айтишимиз жоизки, ўзбек композиторлари ижодида энг кўп асарларни ўзида мужассамлаштирган ушбу жанрлар болаларнинг мусиқий дидини, дунёқарашини, ватанпарварлик туйғуларини ва эстетик фазилатларини ривожлантиради. Танланган жанрларнинг композиторлар ижодида ривожланишининг муҳим натижаси бу композиторларнинг Farb ва рус мусиқа маданияти элементларини ўзида мужассамлаштирганидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бахритдинова Н. А. Ўзбекистон болалар хор маданияти. Т., 2002.
2. Кадыров Р. Г. Музыкальная педагогика. Т., 2009.
3. Мирходжаева С. Х. Болалар ва мусиқа // Адабиёт ва санъат. – Тошкент, 1982 й., - № 24.
4. Хўжаева М. Умумтаълим мактабларида мусиқа ўқитиши методикаси. Т., 2007.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 15-ҚИСМ

**Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

Эълон қилиш муддати: 31.05.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Tel: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000